Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 16 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 242 (13.305)

Баҳоси эркин нархда



2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ОНА ЮРТНИНГ ҚАДРДОН ОҲАНГЛАРИ

Пойтахтимизда бошланган "Она юрт оҳанглари" II халқаро мусиқа танлови миллий мусиқа меросимизни халқаро миқёсда тарғиб этишдек эзгу мақсадларни кўзлаган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танловда мамлакатимиз, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва бошқа давлатларнинг ёш мусиқачилари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Д.Кенжаев, Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Б.Ёқубов ва бошқалар мамлакатимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб вояга етказиш, мусиқий дидини тўғри тарбиялаш масалаларига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

2008 йилда соҳага оид қабул қилинган давлат дастурига мувофиқ мамлакатимизда мусиқа таълимини тубдан ислоҳ этиш, болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, зарур жиҳоз ва ускуналар билан таъминлаш, мавжуд мактабларни тубдан таъмирлаш юзасидан тизимли, кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда юртимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам барпо этилган болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳудудлар кўркига кўрк қўшмоқда. Соҳадаги ислоҳотлар натижасида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг салоҳияти юксалиб, ўқитувчилар таркиби, мактабга қатновчи болалар сафи сезиларли даражада ортди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 20 ноябрдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий пойдевор яратди. Унга кўра болалар мусиқа ва санъат мактаблари педагогларининг меҳнатини рағбатлантириш, мусиқа таълимини сифат ва мазмун жиҳатдан юксалтириш, санъат мактабига қатновчи болалар учун кенг имкониятлар яратиш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда.

"Она юрт оҳанглари" халқаро танловида мамлакатимиздаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, санъат ва маданият йўналишидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳамда хорижий мамлакатлар таълим масканларининг ўқувчилари иштирок этмоқда.

Ушбу танлов ёшларимиз миллий ва дунё бастакорларининг энг яхши асарларидан баҳраманд бўлишида, мусиқа маданиятимизни юксалтириш, санъатимизни дунё саҳналарига олиб чиқиш, иқтидорли ёшларни кашф этиш ва улар ижодини тарғиб этишдек мақсадларни кўзлаши билан аҳамиятлидир.

– Ўзбекистонда болалар мусиқа санъати таълимига юксак эътибор қаратилаётгани тенгдошларимнинг эзгу интилишларидан яққол сезилиб турибди, – дейди ЎзА мухбирига қозоғистонлик иштирокчи Тауболди Акежанов. – Танлов ўзим тенги ёшларнинг ижоди билан яқиндан танишиш, улар билан дўстлашиш, ўзбек композиторларининг мусиқий асарларидан баҳраманд бўлиш имконини беради. Танлов учун ўзбек бастакори Фаттоҳ Назаровнинг "Дутор оҳанглари" асарини тайёрлаб келдим.

Халқаро танлов мусиқа ва санъат таълим муассасалари бадиий жамоалари иштирокидаги катта концерт дастури билан бошланди.

Назокат УСМОНОВА

ЎЗБЕКИСТОН – ЮНЕСКО:

ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Бой маданий мероси, маънавий қадриятлари, фан ва таълим соҳасидаги улкан ютуқлари билан инсоният тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган халқлар кўп. Ўзбекистон шундай давлатлардан. Дунёда тинчлик ўрнатиш, барқарор ривожланишни таъминлаш, таълим орқали маданиятлараро мулоқот тузиш, фан соҳаларини ривожлантириш, халқаро маданий ва маълумот алмашинувига ёрдамлашиш каби соҳаларда фаолият юритувчи ЮНЕСКОнинг жаҳон цивилизацияси таркибидаги номоддий маданий меросни асраб-авайлаш йўлидаги хизмати катта.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов "ЮНЕСКО тимсолида энг муҳим инсонпарварлик масалаларининг ечимига ижодий ёндашишда ҳаракатланувчи куч бўлиб хизмат қиладиган ўзига хос, бетакрор ташкилотни кўрамиз" деган эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таркибидаги мазкур халқаро ташкилотга 1945 йилнинг 16 ноябрида асос солинган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, яъни 1993 йилнинг 29 октябрида ЮНЕСКОга аъзо бўлди. 1996 йилда Тошкентда ташкилот ваколатхонаси очилди. Ўша йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташкилот бош қароргоҳига ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлди.

1998 йилнинг 6-7 ноябрь кунлари Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди. МДҲ миқёсида биринчи марта ташкил этилган мазкур тадбирда "Жаҳон маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатлардаги фаолияти" номли Тошкент декларацияси қабул қилинди.

Азал-азалдан маориф, фан ва маданият масалаларига алоҳида эътибор қаратган ўзбек халқининг мазкур ташкилот билан изчил ва истиқболли ҳамкорлиги айни муддао бўлди.

ЮНЕСКОнинг таълим соҳасидаги асосий дастури Бирлашган мактаблар дастури тармоғи ҳисобланиб, унга жаҳоннинг олти мингдан зиёд мактаби аъзо. Ушбу дастурнинг асосий мақсади халқаро ҳамжиҳатлик, тинчлик, маданияталараро мулоқот ва барқарор тараққиёт ғояларини тарғиб этиш ҳамда таълим сифатини оширишга қаратилган.

1994 йил декабрда тузилган ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси мамлакатимизда ушбу тармоқни ривожлантириш бўйича фаол иш олиб бормоқда. 1996 йилдан буён мазкур тармоққа мамлакатимизнинг 45 таълим муассасаси қўшилди. Мазкур таълим муассасалари бир қатор халқаро дастурларда муваффақиятли қатнашиб, "Таълим барча учун" мақсадларини ва БМТнинг барқарор тараққиёт таълими ўн йиллигини тарғиб этмоқда. Бундан ташқари ташкилотнинг таълим соҳасидаги фаолияти инклюзив таълим, ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги таълим, жамоат таълими марказлари, касб-ҳунар ўқув муассасалари, соғлом турмуш тарзи таълими каби йўналишларни қамраб олган.

ЮНЕСКО томонидан 2003 йилда "Барқарорлик ва тараққиёт учун таълим 10 йиллиги" эълон қилинди. Бу борада мамлакатимизда ҳам кўплаб тадбирлар ўтказилди. Ушбу дастур доирасида аҳолининг тил ўрганиш имкониятларини кенгайтириш, маънавият ва маърифат йўналишлари бўйича таълимни ривожлантириш, фан-техника ютуқларидан янада кенг фойдаланишни таъминлаш каби вазифалар изчиллик билан амалга оширилди.

Мазкур хайрли ишларнинг амалий натижаси мисолида юртдошларимизнинг "Сув ва табиий манбаларни бошқариш" ва "Саҳрода воҳа яратиш" лойиҳалари барқарор тараққиёт таълими доирасида 2009 йилнинг энг илғор тажриба лойиҳалари, деб топилди.

ЮНЕСКОнинг фан дастурлари доирасида биологик хилма-хилликни асраш ва табиий манбалардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш, маданий қадриятларни ривожлантиришга бағишланган лойиҳалар ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Ташкилотнинг "Халқаро гидрология", "Инсон ва биосфера", "Биоэтика, МОСТ (Ижтимоий ислоҳотларни бошқариш)" халқаро дастурлари бўйича мамлакатимизда миллий қўмиталар ташкил этилди. Ўзбекистон олимлари ЮНЕСКО шафелигида ўтказилган Австралия, Словения, Таиланд, Эрон халқаро илмий анжуманларида иштирок этиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан "Фуқароларнинг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтириш – демократик сайловларнинг муҳим омили сифатида" мавзусида семинар ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун "Ниҳол" мукофоти танловининг Андижон вилояти босқичида 64 нафар йигит-қиз эстрада, мусиқа, мумтоз қўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги бўйича истеъдодини намойиш этди.

● "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида 280 ўринли мактабгача таълим муассасаси мукаммал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Муассасадаги турли эртак қаҳрамонлари тасвирлари акс этган махсус айвонлар, мини-футбол, волейбол, баскетбол майдончаларида барча қулайлик яратилган. Мусиқа, рус ва инглиз тиллари тўгараклари, спорт машғулотлари ўтказиладиган хоналар зарур қўлланмалар, кўргазмали қуроллар, замонавий спорт буюмлари билан жиҳозланган.

● Бухорода "Ёшлар ва қонун" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Иштирокчиларнинг чиқишлари Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни бўйича билими, мамлакатимизда навқирон авлод камолоти йўлида яратилаётган шароит ва имкониятлар туфайли эришилаётган ютуқларни видеоролик ёки тақдимотлар орқали намойиш этиши, саҳна кўринишида жамиятда учрайдиган айрим муаммоларга эътибор қаратган ҳолда уларни бартараф этиш бўйича таклифлари асосида баҳоланди.

ЖАҲОНДА

● Нидерландияда 2017 йил охирига келиб пластмассадан тайёрланган биринчи йўл пайдо бўлади. Бундай автомобиль йўли юкламани асфальт каби кўтара оладиган махсус модуллардан йиғилади. Анъанавий йўл қопламасига нисбатан пластик модуллар анча камроқ вазнга эга ва уларни осон ташиш мумкин. Тупроқ эса камроқ даражада чўкади. Пластик модуллар тузилмасида кабель ва турли коммуникацияларни ўтказиш учун бўшлиқлар кўзда тутилган. Модуллар ўз хизмат муддатини ўтагандан кейин, уларни қайта ишлаб, яна ишлатиш мумкин.

● Кипр полицияси оролнинг шимоли-ғарбий соҳилларида 123 қочқинни қутқариб олди. Қутқариб олинганларнинг 42 нафари болалар, 19 нафари аёллардир. Қочқинларни олиб келаётган қайиқ 9 ноябрь куни аниқланган эди. Унинг эгаси йўловчиларни ташлаб, сув мотоциклида қочиб қолган.

● Аргентина терма жамоаси ва Испаниянинг "Барселона" клуби ҳужумчиси Лионель Месси Каталония клуби билан ўзининг шартномасини кейинги муддатга узайтирмаслигини маълум қилди. Буни эшитган клуб президенти Хосеп Мария Бартомеу Мессидан хотиржамликни сақлаб ўз ниятини яна бир бор ўйлаб кўришини айтиб, ушбу ўйинчи учун трансфер товон пули 250 миллион евродан иборат эканлигини эслатиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, Мессининг "Барселона" билан тузган шартномаси 2018 йил ёзигача давом этади.

Сайлов – 2016

САЙЛОВЧИЛАРГА БАРЧА ҚУЛАЙЛИК МАВЖУД

Пойтахтимизда "Фуқароларнинг ҳуқуқий ва сайлов маданиятини юксалтириш – демократик сайловларнинг муҳим омили" мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, "Нуроний" жамғармаси, миллий маданият марказлари, 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўринбосари С.Ҳамидуллаев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишлари бошқарувида иштирок этиши, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлашнинг мукаммал ташкилий-ҳуқуқий механизмлари яратилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юқори савияда ташкил этишда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ҳам тизимли ишларни амалга оширмоқда. Омбудсман томонидан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш, сайлов маданиятини янада юксалтириш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланган. Шунга асосан фуқароларнинг турли қатлами – хотин-қизлар, имконияти чекланган шахслар, миллий маданият марказлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар ҳамда қамоқда сақлаш жойларида суд ҳукми чиқарилмаган шахсларнинг овоз беришини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

– Жисмоний имконияти чекланган фуқароларнинг овоз беришда иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яратилмоқда, – дейди Ўзбекистон ногиронлар жамияти Тошкент шаҳар бўлими раиси Феруза Восиқова. – Ҳар бир сайлов участкаси ногиронларнинг аравачалари бинога бемалол киришини назарда тутадиган алоҳида пандус билан жиҳозланди. Бундан ташқари, кабиналарнинг бири ногиронларнинг овоз бериши учун мўлжалланган бўлиб, кўзи ожиз фуқароларга брайль алифбосида сайлов мавзуси бўйича турли рисолалар тайёрланган. Илк марта улар учун мўлжалланган сайлов бюллетенлари тайёрланмоқда.

Сайлов жараёнида кекса фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг сайлов жараёнларидан хабардорлигини ошириш мақсадида Саховат ва Мурувват уйларида яшовчилар ҳамда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар дам олиш ва мулоқотда бўлиш жамоат марказларида, санаторий ва шифохоналарда хайрия кечалари, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилаётир.

Семинарда Омбудсман томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фуқароларнинг иштироки масалалари бўйича ташкил этилган – 1096 "ишонч телефони"га келиб тушаётган мурожаатлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Бир ой давомида Омбудсманнинг "ишонч телефони"да сайловчилар рўйхатини тузиш, сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар билан учрашувларда қатнашиш, овоз бериш, шу жумладан, муддатидан олдин овоз бериш, сайлов бюллетенини тўлдириш сингари сайлов жараёнига тааллуқли масалалар ўрин эгаллаган 300 дан зиёд мурожаат рўйхатга олинган. Мазкур мурожаатларга малакали мутахассислар томонидан юридик маслаҳатлар берилди.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

Сайлов – 2016

Ҳар бир мамлакатнинг демократик давлат сифатидаги жаҳон миқёсидаги нуфузи кўп жиҳатдан унда амал қилаётган сайлов тизимининг очиқлиги ва адолатлигига боғлиқдир. Чунки сайлов ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси бўлиб, унга халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг асосий шакли сифатида баҳо берилади.

САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШНИНГ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРИ – АМАЛДА

Ривожланган демократик давлатларнинг мақсус марказ ва институтлари сайловлар ҳокимиятни шакллантириш учун қурашувчи сиёсий кучларнинг қонуний йўл билан шаклланишига ва соғлом рақобат муҳитининг вужудга келишига хизмат қиладиган муҳим сиёсий-ҳуқуқий жараён бўлганлиги боис айнан ушбу масалага оид муносабатларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратадилар. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизнинг ҳар бир сайлов жараёни халқаро ҳамжамият томонидан катта қизиқиш билан кузатилиши, тадқиқ этилиши табиийдир. Хусусан, Жорж Вашингтон университети (АҚШ), Халқаро сиёсий тадқиқотлар институти (Италия), Шанхай Хорижий тиллар университети (ХХР), Сайлов тизими халқаро экспертлик маркази (Исроил) ва бошқа кўплаб ташкилот ҳамда муассасалар республикамизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳақида ўз электрон порталларига материаллар бериб бораётгани юртимизда амалга ошириладётган кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли натижалари халқаро расмий доиралар томонидан қизиқиш билан қарши олинаётганига яққол мисолдир.

Мамлакатимизда сайлов қонунчилиги тизими мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб шакллантирилиб, уни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Миллий сайлов қонунчилигимизнинг эътирофга молик жиҳати шундаки, унга миллий давлатчилик тажрибаси, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти билан бир қаторда, умумэътироф этилган халқаро принцип ва нормалар сингдирилган. Ушбу норма ва принциплар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Парламентлараро Иттифоқ, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар томонидан қабул қилинган бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Хусусан, миллий қонунчилигимизда акс эттирилган кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида фуқаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи ҳамда яширин овоз бериш йўли билан сайлашнинг демократик асослари халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган сайлов ҳуқуқига оид нормалар асосида йигирмага яқин қонунлар қабул қилинган бўлиб, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, сайлов тўғрисидаги қонунчилигимиз сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари доираси, муддатлари, тартибини белгилаш билан чегараланмай, унинг амалиётда бевосита қўлланилишига хизмат қилувчи ижро механизмларини ҳам акс эттирган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Жиноят кодексининг тегишли нормалари билан сайлов қонунчилигининг бузилганлиги ҳолати юзасидан ишларни кўриб чиқишнинг тартиби ва ўзига хослиги ажратиб кўрсатилган.

Ҳар қандай сайловнинг эркин ва адолатлилигини таъминловчи муҳим омиллардан бири бу – очиқлик ва ошкоралиқнинг таъминланишидир. Ўзбекистонда сайловлар очиқ, ошкора, транспарентликка асосланган ҳолда ўтмоқда.

Мамлакатимизда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш жараёни сайлов комиссиялари томонидан очиқ ва ошкора амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун ўз сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишларида қулай имконият яратиб беради.

Хусусан, сайлов комиссияларининг фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этишлари, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништиришлари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилишларида намоён бўлади.

Очиқлик ва ошкоралик принципини амалга оширишда **оммавий ахборот воситалари**нинг ҳам ўрни белгиланган бўлиб, улар сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар. Сайлов кампаниясини ҳар томонлама холис ёритиш ҳамда сайлов жараёнини тартибга соладиган миллий қонунчилигимизни аҳоли ўртасида кенг тушунтириш борасида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси таркибига кирадиган ахборот воситалари ва ахборот-таҳлил интернет-нашрлари фаолияти эътиборга молик. Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил этилгани, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида – округ сайлов комиссиялари ҳузурида ҳам шундай матбуот марказларининг фаолият кўрсатаётгани очиқлик ва ошкоралик принципларининг таъминланишида муҳим аҳамиятга эга.

2016 йил 9 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарор қабул қилинган бўлиб, унда қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий механизмлар акс эттирилган. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг интернетдаги расмий веб-сайтида эълон қилинган бўлиб, сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун танишиш имконини беради.

Миллий қонунчилигимизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда кузатувчилар иштирок этиши мумкинлигининг ҳуқуқий кафолатлари мустаҳкамлаб қўйилганлиги сайловлар жараёнининг шаффофлилигини таъминловчи муҳим хусусиятлардан биридир.

Агар, мустабид тузум даврида хорижий кузатувчи ва оммавий ахборот воситаларининг сайловни кузатишини тасаввур ҳам қилиб бўлмаса, ҳозирда йилдан йилга бундай халқаро кузатувчилар ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари сони ортиб бормоқда. Мазкур жараёнларда иштирок этган чет эллик кузатувчилар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларининг аксарият кўпчилигининг фикрича, бу сайловлар очиқлик ва ошкоралик шароитида, халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига тўла мувофиқ равишда ўтганлигини эътироф этишган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дунёда ўзларини энг демократик давлат деб ҳисоблайдиган айрим мамлакатларда сайлов жараёнларида кузатувчи сифатида бевосита иштирок этишга рухсат берилмаслиги ҳолатларининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига халқаро ҳамжамият томонидан катта қизиқиш билдирилаётгани инобатга олинган ҳолда турли хорижий мамлакатларда давра суҳбатлари, брифинглар ўтказилаётгани хорижий оммавий ахборот воситаларида ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиб мамлакатимизда бўлиб ўтажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳақидаги ахборот материаллари чоп этиб борилаётгани мамлакатимизда ўтказилаётган муҳим сиёсий жараённинг транспарентлигидан яққол далолатдир.

Шу билан бир қаторда таъкидлаш жоизки, сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилик тизимимизнинг бошқа давлатлар қонунчилигидан ажралиб турадиган, ҳатто айрим йўналишлар бўйича баъзи ривожланган давлатлардан устун, эътирофга молик хусусиятлари ҳам борки, улар аксарият хорижий мамлакатлар экспертлари томонидан кўп бора таъкидланди. Жумладан, сайловлар жараёнини ўтказишни ташкиллаштирувчи ва уни мувофиқлаштирувчи мустақил орган – Марказий сайлов комиссиясининг тузилиши ҳамда унинг конституциявий ҳуқуқий мақомининг қонунчиликда белгилаб қўйилиши юртимиздаги сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг ўзига хос хусусияти ва ютуғи ҳисобланади. Айни пайтда бундай органнинг тузилиши сайловнинг демократиявийлиги ва холислигини таъминлаш ва сайловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, сайлов тўғрисидаги қонунчилигимизда фуқароларни сайловчилар рўйхатига киритиш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Яъни сайлов комиссиялари томонидан сайлов кунига қадар ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган вақтда муайян сайлов участкаси ҳудудида доимий истиқомат қилган Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритиладилар. Фуқароларнинг сайловчилар рўйхатлари билан танишиш ва сайловчилар рўйхатидаги ноаниқликлар хусусида шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланганлиги сайловда фуқароларнинг бевосита иштирокини таъминловчи муҳим механизм бўлиб хизмат қилади.

Қонунчилигимизга киритилган сўнгги янгиликлар сифатида 2015 йил 29 декабрда имзоланган қонунга асосан "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни кўрсатиш мумкин. Унга мувофиқ, ушбу Қонунга бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларга мандатлар бериш тартибига оид, қамоқда сақлаш жойларида овоз беришни тартибга солувчи, сайловчилар рўйхатини тузишга доир, сайловолди ташвиқоти, уни амалга ошириш шакллари, усуллари, тўрлари ҳамда муддатларини аниқ белгилайдиган, муддатидан аввал овоз бериш тартибини янада соддалаштирадиган, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш мақсадида сиёсий партиялар томонидан йиғиладиган имзо варақаларининг сонини қисқартиришга оид янги нормалар киритилди.

Мисол учун, аввалги тартибга кўра, сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг камида беш фоизини ташкил этиши лозим эди. Эндиликда бу миқдор бир фоизгача қисқартирилди.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига киритилаётган бундай янгиликлар сайловларни адолатли, очиқ-ошкора, қонуний, халқаро нормаларга мос тарзда ўтказиш баробарида, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши билан боғлиқ сиёсий ҳуқуқларини кафолатлашга, юртимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг демократик тамойиллар асосида шаклланишига, сиёсий партияларнинг мазкур жараёнда фаол қатнашишини таъминлашга қаратилмоқда.

Шу бугунга қадар сайловга оид ислоҳотлар моҳияти ва мазмунини чуқур ҳис этиб, сайлов тўғрисидаги қонунчилигимизнинг ривожланиш тенденциясини кузатиб шундай хулосага келиш мумкинки, унда сайлов ҳуқуқини эркин, тенг ва адолатли амалга оширишнинг механизмлари такомиллашганини, бирон-бир тарзда чекловчи хусусият касб этмагани намоён бўлади. Бу ҳам бўлса, давлат ҳокимиятини демократик руҳда шакллантириш йўлидаги одилона қарорнинг нақадар тўғри қабул қилинганидан далолатдир.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўтказилаётган сайлов кампаниясининг барча тадбирлари ҳам миллий қонунчилигимиз талабларига, ҳам умумэътироф этилган қоидаларга қатъий риоя этилган ҳолда, сайлов жараёнининг барча иштирокчилари учун, халқаро ҳамжамият учун очиқ ва ошкора ўтказилиши билан сиёсий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди.

Мухтабар ХУСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

ЎЗБЕКИСТОН – ЮНЕСКО:

ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мисол учун, 1995 йил 5 июлда ЮНЕСКОнинг "Буюк ипак йўли – мулоқот йўли" дастури асосида Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти очилгани, Урганч давлат университети ҳамда Бонн университети билан ҳамкорликда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган лойиҳа амалиётга татбиқ этилгани бунинг тасдиғидир. Бундан ташқари, Самарқандда ҳар йили ёзги оромгоҳларда ёш олимларнинг қуёш энергияси бўйича ишланмалари кўргазмаси ўтказиб келинаётир. Мактабларда табиий фанлар бўйича таълим изчил ривожлантирилиб, Ўзбекистон экологик атласи ва Ўзбекистондаги булоқлар атласи чоп этилди. Экологик жиҳатдан хавфсиз технологиялар ишлаб чиқиш бўйича ҳам бир қанча лойиҳалар амалиётга жорий қилинмоқда.

Маданий ва табиий меросни аниқлаш, муҳофаза қилиш ва сақлаш ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. 2001 йилда ЮНЕСКО давлатлар ва ноҳукумат ташкилотлари ўртасида мазкур масалага бағишланган ижтимоий сўров ўтказиб, 2003 йили Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишга бағишланган конвенция қабул қилинди. Шу кунга қадар 88 мамлакатнинг аждодлардан авлодларга асрлар оша ўтиб келаётган 300 дурдонаси – урф-одат, анъана, байрам, таом, халқ оғзаки ижоди, қўшиқ, рақслари Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган.

Ҳозирга қадар Ўзбекистон номоддий маданий меросининг миллий рўйхатида 74 та объект мавжуд. Умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида Ўзбекистон ҳудудидаги тўрт қадимий шаҳар – Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабзнинг ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани, яшариш ва янгиланиш айёми – Наврўз байрами, Катта ашула, "Шашмақом", аския инсониятнинг оғзаки ва номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатидан жой олгани, Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузурида Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида тўпланган нодир қўлёзмалар "Жаҳон хотираси" рўйхатига киритилгани Ўзбекистоннинг мазкур халқаро ташкилот билан изчил ва самарали ҳамкорлиги самараларидир.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Камолиддин Беҳзод каби буюк аждодларимиз, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон сингари қадимий шаҳарларимиз, "Алпомиш", "Авесто" адабий ёдгорликларимиз, Хоразм Маъмун академиясининг юбилейлари ЮНЕСКО иштирокида кенг нишонланди.

Булар қаторида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Ҳар икки йилда бир маротаба Самарқандниг Регистон майдонида ўтказиладиган мазкур халқаро тадбир халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда. Унда дунёнинг деярли барча ҳудудларидан санъат намояндалари, мусиқашунослар, қўшиқчилар, сайёҳлар қатнашади.

ЮНЕСКОга аъзо 190 дан ортиқ давлатнинг миллий қадриятлари, тамаддун ва маданият ўчоқларига ҳурмат ташкилотнинг асосий меҳнидир. Маориф, фан ва маданият инсониятни эзгуликка, ёруғликка олиб бориши, дунё халқлари ягона олий истак – дўстлик ва тинчлик ғоялари атрофида жипслашиши лозимлигини уқтириб келмоқда. Инсонпарвар ҳамда тинчликпарвар Ўзбекистон халқаро ташкилотнинг мазкур эзгу мақсадини тўла қувватлаб, ҳамкорлик ришталарини янада кенгайтириш тарафдоридир.

Севара АЛИЖОНОВА,
ЎзА шарҳловчиси

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан илгариги "Тошкент тўқимачилик комбинати" негизида Яккасарой технопарк ташкил этилди. Айни пайтда у Яккасарой кичик саноат зонаси ДУК сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда бугунги кунда 200 дан ортиқ кичик бизнес субъектлари турли йўналишларда ўз фаолиятини амалга оширмоқда.



ТАДБИРКОР – ЮРТГА МАДАДКОР

"CREENCODE LAZER" масъулияти чекланган жамияти Яккасарой саноат зонасига келганидан сўнг ишчи-ходимлар барча қулайликларга эга бўлган бинога кўчирилди, ижара тўлови ҳам тадбиркорларни қониқтиради.

Мазкур корхона ишлаб чиқаришни 2009 йилнинг декабрь ойида бошлаган. Бошида тўқимачилик корхоналари билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнеснинг афзаллиги шундаки, хоҳлаган маҳал иш фаолиятини ўзгартириб, ўзига мос йўналишни танлаб, вазиятдан чиқа олади.

Шу боис таъсисчилар келишуви асосида полиграфия, матбаа корхоналарига қолиплар, тиғли пичоқлар тайёрлаб бериш, сувенирлар ишлаб чиқариш ишлари йўлга қўйилди. Бунинг учун зарур бўлган технологик дастгоҳлар сотиб олинди ва янги ишчи ўринлари яратилди. Бунда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Чилонзор филиали ўз ёрдамини аямади. Олинган 150 млн. сўм маблағ муддатидан олдин ёпилди. Сабаби саноат зонасидаги қулай иш шароити, ишлаб чиқариш тўғри йўлга қўйилганлиги, маҳсулотларнинг сифатлилиги ҳисобига корхона тушуми ошиб борди.

– Яқинда иккинчи босқич лойиҳани бошламоқчимиз, – дейди корхона раҳбари Жўрабек Султонов. – Яккасарой кичик саноат зонаси раҳбарияти билан музокаралар олиб бораяпмиз. Бу қарорга келишимизга сабаб, ишлаб чиқариш жараёнимиз амалга оширмоқчи бўлган ишимизга узлуксиз боғлиқ бўлади. Шунинг учун ёнимиздаги бўш турган жойни олиб, республикада мавжуд бўлмаган, импорт ўрнини босувчи ротацион шаклдаги штанцформалар ишлаб чиқаришни татбиқ қилиш ниятидамиз.

Албатта иш жараёни малакали ишчиларни талаб қилади. Айни пайтда масъулияти чекланган жамиятида ўн нафар ходим фаолият юритади.

– Яккасарой кичик саноат зонасида 2014 йил август ойида фаолиятимизни бошлаган бўлсак, ўша йили 20-30 млн. сўмлик штанцформалар ва сувенирлар ишлаб чиқарган бўлсак, ушбу кўрсаткични бу йил якунигача 900 млн. сўмга етказмоқчимиз, – дейди суҳбатдошимиз. – Иккинчи босқич лойиҳамиз ишга туширилгандан сўнг, республикадаги босма, матбаа корхоналарга импорт сифатида кириб келаётган штанцформаларни ўзимизда ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади. Айни пайтда банк ходимлари кредит олишимиз учун лойиҳа ҳужжатларини кўриб чиқаяпти. Шу ишларни йўлга қўйсак, ишлаб чиқариш қувватимиз янада ошиб, 2-3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти вужудга келади.

З.ШАРИФЖОНОВ

Бектемир тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

БЕКТЕМИР ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2017 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон, 353-модда), "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги "Аҳолини бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-616-сон Қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон, 333-модда, 2010 й., 13-сон, 96-модда, 2011 й., 1-2-сон, 4-модда, 2012 й., 44-сон, 507-модда) мувофиқ, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2017 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларини белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2016 йил 10 августдаги баённини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бектемир туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 73 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 605 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларни тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Бектемир туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2017 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2016 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2017 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар Бектемир туман бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини Бандликка кўмаклашувчи Бектемир туман маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашувчи жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашиш туман маркази (Н.Ж.Эшнаев):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач қонуний кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бектемир туман ҳокимининг ўринбосари А.К.Ерматов зиммасига юклансин.

Бектемир тумани ҳокими
Ш.Аскаров

2016 йил 4 ноябрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Мамлакатимизда сайлов кампанияси ҳал қилувчи босқичга кирди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти демократик принципларга тўла мувофиқ ҳолда олиб борилмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар давлат ва жамият ҳаётидаги ушбу муҳим сиёсий жараёнда адолатни, шаффофлик ҳамда очиқлик тамойилларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

4 декабрь – сайлов куни





КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Шу кунларда Бектемир туманидаги Республика телевидение ва радио коллежи, Мирзо Улуғбек туманидаги Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Олмазор туманидаги Тошкент архитектура қурилиш институти қошидаги академик лицей ва Миробод туманидаги Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Х.Кетмоновнинг ишончли вакили — Х.Бабахановнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувларда корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари, маҳаллалар фаоллари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирларда номзоднинг ишончли вакили йиғилганларни Х.Кетмоновнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастурининг асосий йўналишлари билан таништириб ўтди. Жумладан, дастурда, энг аввало, мамлакатимизда манзилли ижтимоий муҳофаза ҳамда қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, уй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислоҳ этиш, ички ва ташқи сиёсатни изчиллик билан давом эттиришга эътибор қаратилган.

Сайловолди дастури Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг устувор ғояларига асосланади. Унинг устуворликлари жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга интилиш билан белгиланади.

Бу борадаги асосий устуворлик кўпчилик аҳоли, аввалambор, давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд бўлган қатламлар манфаатлари йўлида меҳнатга лаёқатли аҳолининг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишга интилишини қўллаб-қувватловчи, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсатни юритиш; мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, биринчи иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитларни яратиш; шунингдек, пенсионерлар, меҳнатга имконияти чекланган инсонлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизимини шакллантириш ҳисобланади.

Шунингдек, номзоднинг сайловолди дастурида, муносиб иш ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринларини таклиф этаётган, биринчи навбатда заминимиздаги бой минерал хом ашё ресурслари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни таъминловчи юқори технологик тармоқ корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш, ушбу соҳаларга мамлакатда мавжуд бўлган бўш меҳнат ресурсларини фаол жалб этиш лозимлигига эътибор қаратилган.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўзини ўзи мустақил иш билан таъминлаш ҳамда якка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шароитлар яратиш мақсадида имтиёзли микрокредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш, ўз бизнесини очишда белгиланган йиғимлардан, фаолиятини тўлиқ йўлга қўйгунга қадар солиқлардан озод қилиш муддатини узайтириш масаласи номзод Хатамжон Кетмонов томонидан таклиф этилган.

Номзоднинг сайловолди дастурида, ёшлар бандлигини таъминлаш борасида истиқболли ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини ишлаб чиқишда уларнинг ўрта махсус ва олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш дастурлари ҳамда ҳудудий бандлик дастурлари билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, корхона ва иш берувчиларнинг тегишли ҳудудлардаги касб-ҳунар коллежларига бириктирилиши ҳамда мунтазам ҳаракатдаги "коллеж-корхона" алоқаларини йўлга қўйиш, муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурлар билан боғлиқ равишда замонавий касбга эга бўлган кадрлар тайёрлаш масаласининг ҳал қилинишига эришиш кераклигига эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, номзод Хатамжон Кетмонов тегишли мутахассисларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш учун олий ўқув юртлари талабаларининг таълим шартномалари тўловларини тўлаётган корхоналар ва ташкилотларни рағбатлантириш амалиётини ҳамда олий ва ўрта махсус маълумотга эга мутахассислар тайёрлаш йўналишларини белгилашда корхона ва ташкилотларнинг кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайди.

Номзоднинг сайловолди дастурида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу масалани самарали ҳал этишнинг энг мақбул йўли сифатида номзод кичик бизнес, уй меҳнати, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш керак деб ҳисоблайди. Шунингдек, номзоднинг сайловолди дастурида, меҳнат қонунчилигида аёлларга берилган ҳуқуқ ва қўшимча имтиёзлардан кенг фойдаланишларини таъминлаш масаласига ҳам эътибор қаратилган.

Номзод иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бюджет маблағлари, айниқса, ижтимоий соҳага йўналтириладиган маблағларнинг мақсадли равишда сарфланиши устидан қатъий назоратни кучайтириш, давлатнинг ўсиб бораётган иқтисодий имкониятларидан аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатламининг турмуш даражасини яхшилашда фойдаланиш зарур, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, Хатамжон Кетмоновнинг сайловолди дастурида замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш асосида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар сифатини ошириш, таннархини пасайтириш ҳамда уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтирувчи ва аҳолининг харид қобилиятини оширишга хизмат қилувчи рақобат муҳитини шакллантириш масалаларига эътиборни кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали замонавий техника ва технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, турли маҳсулот етказувчиларга ўзаро эркин рақобатлашишига имкон берадиган очиқ ва ошкора электрон савдолар йўналишини кенгайтириш орқали давлат харидларини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш масалалари, бундан ташқари, тижорат банкларининг инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришдаги иштирокини янада кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини соддалаштириш, макроиқтисодий вазиятдан келиб чиқиб, фоиз ставкаларини минимал даражада белгилаш, муаммоли қарзлар юзага келишига йўл қўймаслик ва банк хизматлари сифатини яхшилаш орқали уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш вазифалари белгилаб олинган.

Номзоднинг сайловолди дастурида истиқболли корхоналар ва ишлаб чиқариш комплексларининг ривожланиши учун бўш меҳнат ресурсларини жалб қилиш иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланган. Бунинг учун маҳаллий хом ашё ва материалларни қайта ишлаш корхоналарининг ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқаришини иқтисодий ва молиявий рағбатлантириш ва имтиёзли кредитлаш самарадорлигини ошириш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш мақсадида қишлоқ жойларида ушбу йўналишдаги оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни рағбатлантиришни кучайтириш масалаларига эътибор қаратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ҳисобига ички бозорни тўлдириш, нарх-наво ошишининг олдини олишга қаратилган товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини кучайтириш масалалари номзоднинг сайловолди дастурида долзарб эканлиги кўрсатилган.

Бир сўз билан таъкидлаб ўтадиган бўлсак, дастурда мамлакатни ҳар томонлама тараққий эттириш, олиб борилаётган барча йўналишдаги ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган энг муҳим масалалар қамраб олинган.

Учрашувлар кўтаринки руҳда ўтди ва иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга ишончли вакилдан тўлиқ жавоб олдилар. Тадбирларда Хатамжон Кетмоновнинг сайловолди дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифалар ҳозирги кунда жуда долзарб ҳисобланиб, уларни ҳаётга татбиқ қилиш орқали Ватанимиз равнақи ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшилиши ҳақида фикрлар билдирилди. Ва йиғилганлар барчани жорий йил 4 декабрь куни – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилаётган номзод Хатамжон Кетмоновга овоз беришга чақирдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 20 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига ФИБ Тошкент ш. Учтепа туманлараро судининг 29.02.2016 йилги ҳукми асосида берилган, 22.03.2016 йил №2-167-68/8/16-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур т. СИБ томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 01Y662PA, ҳаворанг (туманное озеро) рангли, "SPARK LT" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 34 000 000 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Шайхонтоҳур тумани, Лайлитўғон кўчаси, 1-уйда жойлашган "Auto Plaza Service" МЧЖга қарашли автоуловларни сақлаш майдони.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 19 декабрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz. Телефонлар: 0371 276-42-62; +99898 180-95-95.

Гувоҳнома 5477

"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Савдога Яшнобод туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 13.06.2016 йилдаги 10-1609/8148-сонли ижро ҳужжатига асосан, "Нафис дон" МЧЖга тегишли Жиззах вилояти, Пахтакор шаҳри, Галаба МФЙ, ишлаб чиқариш зонаси ҳудудидаги ишлаб чиқариш биноси, омборхона, ётоқхоналардан иборат умумий ер майдони 31250,1 кв.м., қурилиш ости майдони 1724,96 кв.м., бинонинг умумий фойдаланиш майдони 1614,12 кв.м., ишлаб чиқариш майдони 1512 кв.м. бўлган 1 ва 3 қаватли маъмурий бино ва тиббий ёрдам кўрсатиш бинолари тақроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 750 000 000 сўм.

II. Савдога Яккасарой туман СИБ томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судининг 2016 йил 28 мартдаги 23-1504/487-сонли ижро ҳужжатига асосан, "Игилик газ" Қорақалпоғистон-Россия ҚҚга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар тақроран қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 77-уй, 10-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 81,91 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич баҳоси – 278 620 200 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 77-уй, 46-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 150,44 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич баҳоси – 485 631 900 сўм.

Аукцион савдолари 2016 йил 6 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 2 декабрь куни соат 18:00.

III. Савдога Яшнобод туман СИБ томонидан, ФИБ Миробод туманлараро судининг 17.08.2016 йилдаги 3507/16-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод даҳаси, 12-уй манзилида жойлашган, 5 хонали, умумий майдони 110,10 кв.м., яшаш майдони 68,70 кв.м. бўлган 33-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 187 500 000 сўм.

Аукцион савдолари 2016 йил 19 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 16 декабрь куни соат 18:00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АИТБ "Ipak yo'li" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000004433601001, МФО: 01036. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй. Телефон: (99895)193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz. Лицензия RR-0225.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KAHHOR OMAD TRANS" МЧЖга (ИНН 303351384) тегишли бўлган қуйидаги лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

№ ЛИЦ. Вар	Берилган вақти	Амал қилиш муддати	Марка	Давлат рақами
1842858 ГПГ	11.10.2016	10.10.2017 й	ГБАСҒ LABO	01 C 630 KA
1842859 ПГ	11.10.2016	10.10.2017 й	ГБАСҒ LABO	01 C 630 KA
1842005 ГПГ	12.08.2016	11.08.2017 й	ГБАСПГ ГАЗ 3302-2288	01 K 813 QA
1842004 ПГ	12.08.2016	11.08.2017 й	ГБАСПГ ГАЗ 3302-2288	01 K 813 QA
1764580 ПГ	11.03.2016	10.03.2017 й	ЗИЛ ММЗ-554	10 F 069 AA
1764582 ГПГ	11.03.2016	10.03.2017 й	ЗИЛ ММЗ-554	10 F 069 AA
1842417 ПГ	13.09.2016	12.09.2017 й	ГБАСПГ ММЗ 4502	01 F 267 NA
1842416 ГПГ	13.09.2016	12.09.2017 й	ГБАСПГ ММЗ 4502	01 F 267 NA
1842684 ПГ	27.09.2016	26.09.2017 й	ГБАСПГ ЗИЛ ММЗ- 4502	01 E 319 MA
1842682 ГПГ	27.09.2016	26.09.2017 й	ГБАСПГ ЗИЛ ММЗ- 4502	01 E 319 MA
1842683 ПГ	27.09.2016	26.09.2017 й	ГБАСПГ ЗИЛ 495810	01 K 190 QA
1842683 ГПГ	27.09.2016	26.09.2017 й	ГБАСПГ ЗИЛ 495810	01 K 190 QA

"CHIRCHIQ TAXI" МЧЖга (ИНН 303810445) тегишли бўлган қуйидаги лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

№ ЛИЦ. Вар	Берилган вақти	Амал қилиш муддати	Марка	Давлат рақами
1814128 ПГ	14.06.2016	13.06.2017 й	ГАЗ 3302288	01 N 256 XA
1814235 ГПГ	20.06.2016	19.06.2017 й	ГАЗ 3302288	01 N 256 XA
1814634 ПГ	15.07.2016	14.07.2017 й	ГБАСПГ ЗИЛ 138 A	01 W 718 MA
1814635 ГПГ	15.07.2016	14.07.2017 й	ГБАСПГ ЗИЛ 138 A	01 W 718 MA
1842003 ПГ	12.08.2016	11.08.2017 й	CHANG ANSC 1027 SB	01 Q 670 UA
1842002 ГПГ	12.08.2016	11.08.2017 й	CHANG ANSC 1027 SB	01 Q 670 UA
1856212 МПГ	24.08.2016	23.08.2017 й	DAF XF 95430	01 E 927 UA
1856213 МПГ	24.08.2016	23.08.2017 й	FRUEHAUFTF34CI	10 6210 AA
1842269 ПГ	25.08.2016	24.08.2017 й	DAF XF 95430	01 E 927 UA
1842270 ПГ	25.08.2016	24.08.2017 й	FRUEHAUFTF34CI	10 6210 AA
1842861 ПГ	11.10.2016	10.10.2017 й	ГАЗ 330202-288	01 D 547 XA
1842860 ГПГ	11.10.2016	10.10.2017 й	ГАЗ 330202-288	01 D 547 XA
1864181 МПГ	11.10.2016	10.10.2017 й	ГАЗ 330202-288	01 D 547 XA

"Ўзсаноаткурилишбанк" АТБ Учтепа филиалига тегишли бўлган қуйида келтирилган 38 (ўттиз саккиз) дона қатъий ҳисобда турувчи ТХ-1Ш патталари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

0706163 - 1 дона	1608177-1 дона	2161600 - 1 дона
0156557 - 1 дона	0866656-1 дона	2153664 - 1 дона
0708940 - 1 дона	0234157-1 дона	2260979 - 1 дона
0868434 - 1 дона	0234889-1 дона	2260980 - 1 дона
0871667 - 1 дона	2177111-1 дона	2260981 - 1 дона
0871164 - 1 дона	2145114-1 дона	2260982 - 1 дона
0871240 - 1 дона	2144444-1 дона	2260983 - 1 дона
0871241 - 1 дона	2135100-1 дона	2260986 - 1 дона
1608229 - 1 дона	2156550-1 дона	2260984 - 1 дона
1608230 - 1 дона	2161592-1 дона	2260985 - 1 дона
1608231 - 1 дона	2161597-1 дона	2332155 - 1 дона
1608232 -1 дона	2151598-1 дона	2332160 - 1 дона
1187559 -1 дона	2161599-1 дона	

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 1 ноябрда TN №000482-сонли гувоҳнома ва реестр бўйича тартиб №482 рақами билан давлат рўйхатидан ўтган "CORRECTO LETRADO" адвокатлик бюроси, бюро раҳбарининг 2016 йил 10 ноябрдаги №4-сонли буйруғига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб бир ой давомида Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 16-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Телефонлар: +99893 502-20-66, +99891 132-71-39.

АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг раҳбарияти иштирокида Тошкент шаҳрининг барча туманларида жойлашган кадастр бўлимларида сайёр қабуллар ўтказилмоқда.

Ушбу сайёр қабулга кириш истагида бўлган аҳоли ва тадбиркорлар, телефон рақами орқали боғланиб, қабул олдидан ёзилиши лозим бўлади.

Сайёр қабулга ёзилиш учун телефон рақами: 239-35-01.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

— 10-12 даража илиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **17 ноябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **17 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Гарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6, кундузи*

(Газетанинг навбатдаги сони 18 ноябрда чиқади).

Ёшлар – келажагимиз

Пойтахтдаги умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ёшлар орасида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишини ташкил этиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармалари, "Камолот" ЁИҲ шаҳар Кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси шаҳар бўлимлари билан ҳамкорликда профилактик ҳисобда турувчи ўқувчилар учун "Биз – сенинг фарзандларингмиз, Ўзбекистон!" номли икки кунлик семинар-тренинг машғулотлари ташкил этилди.

КОМИЛЛИК САРИ ҚАДАМ



Тадбирнинг яна бир аҳамиятли жиҳати "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги ва "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ижросини таъминлаш, таълим муассасаларида таҳсил олувчи вояга етмаган ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, уларда Ватанга бўлган муҳаббатни кучайтиришга қаратилди.

Туманларда ташкил этилган семинар машғулотлари Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси – туман ҳокими иштирокидаги давра суҳбатлари билан бошланди. Малакали руҳшунослар томонидан иштирокчиларни гуруҳларга ажратиб ўтказилган тренингларда ёшлар билан эркин мулоқот қилинди, уларнинг маънавий дунёқараши, руҳий ва оилавий ҳолати ўрганилди ҳамда тегишли тавсиялар берилди.

Шайхонтоҳур туманидаги 102-умумтаълим мактабида 2 кун мобайнида ўтказилган "Биз — сенинг фарзандларингмиз, Ўзбекистон!" номли ёшлар семинар-тренинг машғулотларида ҳам туман ҳокимлиги, туман ХТМФМТТЭ бўлими, Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, туман Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси вакиллари ва ўғил-қизлар иштирок этишди.

Тадбир давомида мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган мусиқий ва бадиий чиқишлар намойиш қилинди. Иштирокчилар гуруҳларга ажратилиб, уларга малакали психологлар, болалар билан эркин мулоқот ўтказиш орқали уларнинг маънавий дунёқараши, руҳий ҳолати ва оилавий муҳитини ўрганиш каби бошқа бир қатор тавсиялар берилди.

Семинар қатнашчилари – ўсиб келаётган ёшларга тиббиёт, спорт борасида тушунчалар берилди. Тадбирда кино ва театр актёрлари, эстрада юлдузлари ҳамда спортчилар билан қизиқарли суҳбатлар уюштирилгани иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

— Вояга етмаган ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни олиб бориш мақсадида ташкил этилган тадбирнинг аҳамияти катта, — дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Р.Исакжанов. — Бугунги кунда жамиятда ёшларнинг турли ёт ғояларга берилиб кетишининг олдини олиш муҳим аҳамиятга молик масаладир. Айнан бундай тадбирлар эса ёшларга асқотади, деган умиддамиз.

Олмазор туманида ўтказилган семинар-тренинг машғулотлари 243-мактабда 50 нафар профилактик ҳисобда ва мактабнинг ички назоратида турувчи ўқувчилар ҳамда "Камолот" сардорлари иштирокида ташкил этилди.

Машғулотларда психологлар билан тренинглар, театрга ташриф, "Камолот – мен, Камолот – сен, Камолот – биз, кел, бирлашамиз" мавзусида семинарлар, спорт мусобақалари, санъаткорлар билан учрашувлар каби тадбирлар ўтказилди.

Тадбир якунида фаол иштирок этган иштирокчилар ҳамда мусобақаларда ғолиб бўлганлар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Мазкур тадбир Миробод туманидаги 328-мактабда ҳам қизиқарли машғулотлар, учрашувлар билан ўтказилди. Таълим муассасасининг кириш қисмида туман даги умумтаълим мактаблари ўқувчилари томонидан тайёрланган ижодий ишлардан намуналар, фотокўргазма намойиш этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук, ҳар томонлама баркамол, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятли, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга, Ватанимиз тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Куннинг иккинчи ярмида ўқувчилар Ўзбек миллий академик драма театрида "Кузги мактублар" спектаклини томоша қилдилар.

Семинар доирасида "Фарзандларимиз соғлом бўлсин!" шиори остида ҳар бир иштирокчи тор йўналишдаги шифокорлар кўригидан ўтказилди. Жамиятда ёшларнинг фаоллигини ошириш мақсадида "Камолот" ЁИҲ фаолияти, мақсад ва вазифалари билан яқиндан таништирувчи тақдимот улар ҳукмига ҳавола этилди. Шунингдек, стол тенниси, шахмат-шашка, футбол, гандбол каби спорт ўйинлари ташкил қилинди.

Тадбир сўнгида "Биз севган қаҳрамонлар" акцияси доирасида таниқли кино ва театр актёрлари, эстрада юлдузлари, санъаткорлар ва олимпиада совриндорлари билан учрашув ташкил этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

"101"

ОГОҲ БЎЛИНГ!

Маълумки, турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларга асосий сабаб инсонларнинг бепарволиги ҳисобланади. Лоқайдликни кечирмайдиган олов бир неча сонияларда борлиқни кулга айлантиради, инсонлар умрига жиддий хавф туғдиради.

Жорий йилнинг 10 ноябридан 2017 йилнинг 10 январига қадар республикамиз миқёсида "Ёнғин хавфсизлиги кунлари" ҳам ниҳоятда уюшқоқлик ҳамда ташкилотчилик асосида ўтказилиши, барча меҳнат жамоалари, маҳаллалар, турар жойларда ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғинга олиб келувчи ҳолатларнинг бартараф этилишида республикамизнинг барча фуқаролари фаол иштирок этишлари зарур.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз, фарзандларимиз келажагига ёнғин салбий таъсир кўрсатмаслиги учун эса ҳар биримиз унинг олдини олиш учун фаол курашишимиз зарур. Ёнғин чиққанда "101" рақамига қўнғироқ қилинг.

Елдар ИНОЯТИЛЛАЕВ,
Бектемир тумани ИИБ ЁХБ инспектори,
сержант

***

Ёнғинлар нафақат қишда, балки барча фаслда содир бўлади. Айниқса, кузги-қишки мавсумда хазонрезги, газ ва электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиқса, баҳор ва ёзда қуриган ўтлар, чиқиндилар муаммолар келтиради.

Қуриган ўтларга биргина ўчмай қолган сигарета қолдиғи кифоя. Қишда эса ёнғинларнинг аксарияти газ ва электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш натижасида келиб чиқади.

Яшнобод тумани ҳудудида жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида 166 та (2015 йил 10 ой мобайнида 163 та) ёнғин содир бўлиб, натижада 3 нафар фуқаро турли даражадаги куйиш тан жароҳатини олган. Рақамларга қараганда содир бўлган ёнғинлар сони 3 тага кўпайганини кўрсатмоқда.

Бундай текширишлар барча ўқув ва тиббиёт масканларида ҳам ўтказилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Туманимизнинг барча гўшасида жойлашган мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилмоқда. Шу билан бирга ўқувчиларга ёнғин ўчириш техникаси намойиш қилинмоқда.

Д.ЭРГАШЕВ,
Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ инспектори,
сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 16 декабрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади.

Мазкур объектларни сотиб олиш шартлари қуйидагича:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу "Объектлар" учун энг юқори қўшимча инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш (жадвалларда келтирилади). Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 % дан кам бўлмаган гаров суммаси;
- таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади. Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдоси кунидан бир кун олдин 16.00 да тўхтатилади. Музокаралар 2016 йил 16 декабрь куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади. Ушбу куни савдолар бўлмаган тақдирда, 2016 йил 30 декабрь, 2017 йил 13, 27 январь, 10, 24 февраль кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй манзилида ўтказилади. Мурожаат учун телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига тақроран чиқарилаётган давлат активлари РЎЙХАТИ

№	Объект номи	Объект манзили	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м)	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Инвестиция мажбурияти
1.	Қурилиши тугалланмаган бино	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ-бўйи кўчаси	2 194,0	Тошкент шаҳар Бектемир туман ҳокимлиги	25.07.2013 й. № 209	1 404 154 739,00	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш
2	3 қаватли бино-иншоот	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Жомий кўчаси, 5-уй	2 207,00	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.07.2013й. № 209	1 947 155 863,00	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш

Оммавий оферта савдоларига тақроран чиқарилаётган давлат активлари РЎЙХАТИ

№	Объект номи	Объект манзили	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м)	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Давлат активининг сотилиш нархи (савдога чиқарилган нархидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошлангич нархи) (сўм)	Инвестиция мажбурияти
1.	Нотурар жой биноси	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-"Б"-уй	463,0	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	28.04.2015й. №ПҚ-2340	377 898 285,00	340 108 457,00	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш
2.	Илмий ишлаб чиқариш лабаратория бино ва иншоотлари	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 25-уй	6 383,00	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	28.04.2015й. №ПҚ-2340	6 169 416 246,00	5 552 474 622,00	камида 1 850 800 000 сўм миқдорида инвестиция мажбуриятини олиш - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш
3.	Бино ва иншоотлар	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 25а-уй	3 440,00	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	28.04.2015й. №ПҚ-2340	3 367 093 747,00	3 030 384 373,00	камида 1 010 100 000 сўм миқдорида инвестиция мажбуриятини олиш - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш
Масъулияти чекланган жамиятлар устав фондларидаги сотиладиган давлат улушлари								
№	Объект номи	Объект манзили	давлат улуши миқдори (%да)	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўм)	Давлат активининг сотилиш нархи (савдога чиқарилган нархидан 10 фоизга арзонлаштирилган бошлангич нархи) (сўм)	Инвестиция мажбурияти
4.	"Tayyorlov savdo" МЧЖ	Олмазор тумани, Узумбог 9-тор кўчаси, 88-уй	28,91%	"Tayyorlov savdo" МЧЖ	28.04.2015й. №ПҚ-2340	1 486 370 095,00		-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - харид қиймати киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш
5.	"4-сон таъмирлаш қурилиш йиғиш бошқармаси" МЧЖ	Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қумарик кўчаси, 3-уй	98,64 %	"4-сон таъмирлаш қурилиш йиғиш бошқармаси" МЧЖ	28.04.2015й. №ПҚ-2340	517 726 900,00	465 954 210,00	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш
6.	МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси, 26-уй	17,5 %	МЧЖ шаклидаги "Bezak" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси	28.04.2015й. №ПҚ-2340	1 479 496 200,00	1 331 546 580,00	-энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - харид қиймати тўловини қисқа муддатларда амалга ошириш - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2016 йил 14 сентябрдан 7 ноябргача бўлиб ўтган тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан ва биржа савдоларда сотилган давлат активлари савдоларининг натижалари РЎЙХАТИ

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПҚ/ВМҚ	Савдога чиқарилган нархи (сўмда)	Сотилиш нархи (сўмда)	Харидорга юклатилган инвестиция мажбурияти (сўмда)
1	2 қаватли бино-иншоот (197-сонли мактабгача таълим муассасасига туташ ҳудудда)	663	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино 1-мавзеси	Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги	31.05.2012 № 154	819 689 000	821 000 000	200 000 000
2	Профилакторий ва қоровулхона бино-иншооти	1778	Тошкент шаҳри Олмазор туман, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй	"ONIKS" АЖ	28.04.2015 № ПП-2340	2 744 107 700	2 750 000 000	150 000 000
3	Собиқ 379-сонли мактабгача таълим муассасасининг бино ва иншоотлари	759	Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Бўстон кўчаси, 10-уй	М.Улуғбек туман ҳокимлиги	31.05.2012 № 154	906 520 000	920 000 000	3 000 000 000
4	Маъмурий бино-иншоот	579	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Каҳҳор кўчаси, 47-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Сувсоз" ДУК	02.03.2015 № 39	1 623 288 200	1 625 000 000	50 000 000
5	Бино-иншоотлар	3326	Тошкент шаҳри, Миробод тумани, 8-март кўчаси, 57а-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	25.07.2013 №209	2 707 941 763	2 709 000 000	3 405 000 000

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-"А" уй. Телефонлар: 233-35-08, 233-74-72.

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2030-9289
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1155
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4713 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 14.50
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ